Тошкент оқшоми

2015 ЙИЛ 25 МАРТ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 73 (12.886)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Пойтахтимизда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасидаги «Биз 12 йиллик мажбурий таълим тарафдоримиз» мавзуидаги ҳафталикнинг якуний босқичи бўлиб ўтди.

ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда



Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда таълим муассасалари вакиллари, ўқувчилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова ва бошқалар мамлакатимизда юксак маънавиятли, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишини ташкил этишини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида бу борада қатор вазифалар белгилаб берилган.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этади. Ёшларни миллий одоб-ахлоқ қоидалари асосида тарбиялаш, уларда муомала, кийиниш, юриш-туриш борасидаги четдан кириб келаётган ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни янада кучайтириш юзасидан самарали тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Бош прокуратура, Ички ишлар, Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида барча умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ташкил этилган «Биз 12 йиллик мажбурий таълим тарафдоримиз» мавзуидаги ҳафталик давра суҳбатлари шу мақсадга хизмат қилади. Ҳафталик доирасида жойларда кўплаб тарғибот тадбирлари ўтказилиб, уларга 1 миллион 280 мингдан ортиқ ўқувчи қамраб олинди.

– Мазкур тадбирда ҳафталикнинг якуний хулосалари умумлаштирилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Мирзо Улуғбек номидаги академик лицей ўқувчиси, «Ораста қизлар» тўгараги фаоли Шодия Аҳророва. – Кейинги давра суҳбатларида ҳам биз тўғарак имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда, қизлар ўртасида маънавий тарғибот ишларини янада кучайтириш ниятидамиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Н.НАСРИЕВ

ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш мақсадида мамлакатимизга келган халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар вакиллари Самарқанд вилоятида бўлиб, сайловга тайёргарлик жараёнлари билан танишмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд сайлов округида Латвия Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Арнис Цимдарс билан учрашув бўлди.

● Қарши шаҳрида қишлоқ хўжалиги ва транспорт тизимида тежамкор техника ва технологияларни яратиш, улардан самарали фойдаланиш ва сервис хизматини ташкил этиш масалаларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

● Бухоро шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган аскарлар ҳарбий қасамёд қабул қилди. Маҳаллий ҳокимият, жамоатчилик вакиллари ҳамда аскарларнинг ота-оналари, яқинлари иштирок этган тадбирда Қуролли Кучларимиз қудрати ва салоҳияти ортиб, Ватанимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги ва ҳудудларимиз дахлсизлигини таъминлашнинг ишончли қалқонига, армияда хизмат қилиш ёшларимиз учун шон-шараф ишига айлангани алоҳида таъкидланди.

● Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Ziyonet жамоат ахборот таълим тармоғининг бугунги кундаги фаолияти» мавзусида ёшларнинг медиа саводхонлигини оширишга қаратилган туркум тадбирларнинг навбатдагиси бўлиб ўтди.

● Наманган шаҳридаги Ёшлар марказида «Камолот» ЁИҲнинг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотларининг йўналиш, факультет, талабалар турар жойи ва меҳнат жамоасидаги сардорлари учун махсус ўқув-семинар ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Чили маъмурлари мамлакатнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланган учта миллий боғни ҳам қамраб олган кенг кўламдаги ўрмон ёнғинларининг авж олганлиги муносабати билан ташвишга тушдилар. Ёнғин ёши мингдан ортиқ бўлган кўплаб ноёб дарахтларга ҳам хавф туғдирмоқда. Минглаб гектар майдонларни қамраб олган ёнғинлар билан ўт ўчирувчилар бир неча ҳафтадан буён курашмоқдалар. Олимларнинг таъкидлашича, ёнғинларнинг асосий сабабчиси бўлган қурғоқчилик табиатнинг ўзгариши билан боғлиқдир.

● Франция Ички ишлар вазирлигидан маълум қилишларича, ушбу мамлакатдаги Альп тоғларининг етиб бориш қийин бўлган жойида ҳалокатга учраган «Люфтганза» авиакомпаниясига қарашли А-320 самолёти қулаган жойга қутқарувчиларни ўз ичига олган дастлабки вертолётлар кўнган.

● Кеча Краснодар ўлкасининг Кавказ федерал трассасида еттита автомобилнинг ўзаро тўқнашиб кетиши натижасида тўрт киши ҳаётдан кўз юмган. Дастлабки тахминларга кўра, ушбу йирик автотўқнашувга атрофни қоплаган қуюқ туман сабаб бўлган.

Сайлов — 2015

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиш учун мамлакатимизга келган Ҳиндистондаги «Бҳаратия Жаната» партияси мувофиқлаштирувчиси Вижай Жолли билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси У.Муҳаммадиев ҳамда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Т.Абдусатторов меҳмонга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида сўзлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни демократик талаблар асосида уюштирилаётгани, сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар сайловчилар билан учрашувлар ўтказаётгани, фуқароларнинг номзодлар ва уларнинг дастурлари ҳақида маълумотга эга эканлиги сайловнинг юқори савияда ўтишини таъминлаши таъкидланди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий воқеадир. Ўзбекистоннинг сайловга оид қонунчилигига киритилган ўзгартишлар сайловга юксак даражада тайёргарлик кўриш ва уни демократик принципларга тўлиқ мувофиқ ҳолда, очиқ-ошкора ва адолатли ўтказишда катта аҳамият касб этмоқда.

— Халқингиз Президент сайловига қизғин тайёргарлик кўраётганига гувоҳ бўлдик, — дейди Вижай Жолли. — Хива, Урганч шаҳарларида бўлиб, сайловга тайёргарлик ишлари, овоз берувчилар учун яратилган қулайликлар билан танишдик. Ўзбекистонда сайловга тайёргарлик демократик тамойилларга тўла мос келади, деб айтиш мумкин. 29 март куни Тошкент шаҳридаги сайлов участкаларида бу муҳим сиёсий жараённи кузатиб борамиз.

Меҳмон Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти билан ҳам таништирилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этадиган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари юртимизга келмоқда. ЎзА мухбирлари уларнинг айримларидан интервью олди.

Сўз – халқаро кузатувчиларга

ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИ – ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИКДИР

Александр САКОВСКИЙ, «Согласие» социал-демократик партияси бошқаруви аъзоси (Латвия):

– Ўзбекистон изчил ривожланаётган мамлакат. Бу ривожланиш юртингизнинг ҳар бир ҳудудида кўзга ташланади. Намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар, улар атрофида амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари аҳоли турмуш даражасини юксалтирмоқда.

Диққатимни тортган яна бир нарса – юртингиз кўчаларида автомобилларнинг кўплиги ва уларнинг аксарияти Ўзбекистонда ишлаб чиқарилганидир. Бу мамлакат иқтисодиётининг изчил тараққий этаётгани ҳамда аҳоли даромади ошиб бораётганидан далолат беради.

Мамлакатингизда таълим ва спорт соҳаларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилаётгани эътиборга сазовор. Зотан, Ўзбекистон – ёшлар мамлакати, аҳолининг 60 фоиздан зиёди навқирон авлод вакилларидир. Юртингизда ёшларнинг жаҳон андозалари даражасида билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириши ҳамда исталган спорт тури билан шуғулланиши учун барча шароит яратилган.

Ўзбекистонда сайловолди жараёни мамлакат Конституцияси ва қонунларига мувофиқ, номзодлар ўртасида тенглик ва соғлом рақобат муҳитида ўтаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Сайловни демократик талаблар асосида ўтказиш учун барча шароит муҳайё этилган.

Герберт ЛЮГБАУЭР, «Австрия — Ўзбекистон» дўстлик жамияти президенти, «Askin & Co» компанияси бошқарувчи директори (Австрия):

— «Австрия — Ўзбекистон» дўстлик жамияти мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг янада ривожланишига, халқларимиз орасида дўстлик ришталарининг мустаҳкамланишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантанасида иштирок этганимдан қувончим чексиз. Ушбу тадбирда одамлар ҳаётидан рози экани, давлатингиз раҳбарини чексиз ҳурмат қилиши яққол намоён бўлди.

Ўзбекистонда қарор топган тинчлик ва барқарорлик муҳитига ҳавас қилса арзийди. Зеро, ҳар қандай мамлакат тараққиёти аввало тинчликка боғлиқ. Пойтахтингиз кўчаларида сайр қилиб, мамлакатингизда тинчлик ва хавфсизлик юксак даражада таъминланганини ҳис этдим. Ўзбекистонда турли жабҳаларнинг изчил равнақи юртингизда ҳукм сураётган тинч ва осуда ҳаёт самараларидандир.

Муҳаммад САЛОМА, «Ал-Масаия» газетаси бош муҳаррири ўринбосари (Миср):

– Мамлакатингизда сайлов тизими ривожлангани, соҳага оид қонунларга киритилган ўзгартишлар ўз самарасини бераётгани яққол кўриниб турибди, сайловга юқори даражада тайёргарлик кўрилган. Сайлов участкалари зарур воситалар билан жиҳозлангани, сайловчилар учун кенг имкониятлар яратилгани эътиборга молик.

Ўзбекистон фахрланса арзигулик улкан муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Жаҳонда глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамай мамлакатингизда ялпи ички маҳсулот ўсиши 8 фоиздан камайгани йўқ. Бугунги мураккаб халқаро иқтисодий вазиятда бу ғоят юксак натижа эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу Ўзбекистонда олиб борилаётган тўғри иқтисодий сиёсат самарасидир. Шу боис кўплаб давлатлар мамлакатингиз билан ҳамкорликни кенгайтиришга интилмоқда.

Юртингиз меъморий обидалари, тарихий ёдгорликлари бетакрорлиги ва маҳобати билан кишига олам-олам завқ бағишлайди. Янги сайёҳлик йўналишларининг пайдо бўлиши, транспорт коммуникацияларининг такомиллаштирилиши натижасида мамлакатингизга келаётган сайёҳлар сони йил сайин кўпайиб бораётир. Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик, ўзаро ҳурмат ва тотувлик муҳити, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, замонавий меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари, юқори сифатли хизмат турлари сайёҳларнинг юртингизда мароқли ҳордиқ чиқариши учун қулай шароит ҳамда имкониятлар яратмоқда. Мамлакатингиздаги осуда ва фаровон ҳаёт, одамларингиз юзидаги самимий табассум ва бахтиёр нигоҳлар кишига яхши кайфият, куч-қувват бағишлайди.

Витторио ЖОРЖИ, адвокат (Италия):

– Ўзбекистонда демократия ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос сайлов тизими яратилган. Сайлов тўғрисидаги қонунларингизда халқаро тажриба ва мамлакатингиз амалиёти ҳисобга олингани аҳамиятлидир. Одамларингизнинг турмуш тарзи ўзгариб, онгу тафаккури, ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётир.

Ўзбекистон тарихан қисқа даврда қўлга киритган улкан ютуқлар тараққиётнинг «ўзбек модели» натижасидир. Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида ҳам кенг кўламли янгиланишлар амалга оширилмоқда.

Бирор мамлакат ҳаёти ҳақида билмоқчи бўлсанг, унинг бозорларини бориб кўр, деган гап бор. Ўзбекистон бозорларидаги маҳсулотларнинг кўплиги ва арзонлигини кўриб, ҳайратга тушдим. Баҳорнинг дастлабки кунларида шунчалик тўкинлик бўлса, пишиқчилик маҳали қандай бўларкин, деб ўйлаб қолдим. Бу мамлакатингиз иқтисодий салоҳиятининг ёрқин кўзгусидир.

Нодира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА
ёзиб олди

29 март — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ОЧИҚ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ — АСОСИЙ ВАЗИФА

Ўзбекистон тараққиётининг бош стратегик мақсади — аҳоли турмуш даражаси юқори бўлган ривожланган демократик давлатлар қаторига қўшилиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қатъий амал қилиш, Ўзбекистон мустақиллигини асраш ва мустаҳкамлаш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш, фуқаролик ва миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган миллий манфаатларга содиқлик каби эзгу мақсадлар мужассамлашган.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ҲОТАМЖОН КЕТМОНОВНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАГИ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР

Ушбу дастур Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадларига асосланади. Унинг устворликлари жамиятнинг барча аъзолари учун ҳар томонлама ривожланиш ва ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлашга интилиш билан белгиланади.

Биз учун асосий устувор йўналишлар, аввалambор, аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатлари ҳимояси йўлида меҳнатга лаёқатли кишиларнинг муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларига эга бўлишга интилишини қўллаб-қувватловчи, уларнинг шахсий ташаббускорлиги ва ишбилармонлигини рағбатлантирувчи кучли ижтимоий сиёсатни юритиш; мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга, уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, касб танлаш, таълим олиш ва ўқув муассасаларини битиргач, албатта, биринчи иш ўрнига эга бўлишлари учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитларни яратиш; пенсионерлар, ногиронлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва меҳнатга лаёқатсиз аҳолининг бошқа ижтимоий гуруҳлари ҳаётий эҳтиёжларини тўлиқ қондиришни кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг самарали тизимини шакллантиришдан иборатдир.

Биз **аҳоли бандлигини таъминлаш тизимини доимий равишда такомиллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз**. Хусусан, қуйидагилар таклиф этилади:

— муносиб иш ҳақи тўланадиган барқарор иш ўринларини тақдим этаётган корхоналарда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш. Ушбу соҳаларга мамлакатда мавжуд бўлган бўш меҳнат ресурсларини фаол жалб қилиш иқтисодий ўсишнинг муҳим омили ҳисобланади;

— касб-ҳунар коллежи битирувчиларига имтиёзли микрокредитларни тақдим этиш, ўз бизнесини очишда белгиланган йиғимлардан озод қилиш орқали уларнинг мустақил бандлигини таъминлаш ҳамда якка тартибдаги меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш учун мақбул шароитлар яратиш;

— истиқболли ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича инвестиция дастурларини ишлаб чиқишда, уларнинг ўрта махсус касб-ҳунар ва олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш дастурлари ҳамда ҳудудий бандлик дастурларига ўзаро боғлиқ бўлган комплекс ёндашувни таъминлаш;

— олий ва ўрта махсус касб-ҳунар маълумотига эга мутахассисларни тайёрлаш йўналишларини аниқлашда корхоналар ва ташкилотларнинг кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиш самарадорлигини ошириб бориш.

Кам таъминланган оилалар манзилли ижтимоий ҳимояси самарадорлигини янада ошириш зарур. Бунинг учун қуйидагилар таклиф этилади:

— адолат ва меҳр-оқибат, очиқлик ва ошкоралик тамойилларини кенг қўллаган ҳолда, маҳалла институтининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази сифатидаги ўрни ва аҳамиятини доимий равишда ошириб бориш;

— ўз бизнесини ташкил этиш ва турмуш фаровонлигини мустақил таъминлашга интилувчи меҳнатга лаёқатли фуқароларга имтиёзли кредитлар ва мақсадли фоизсиз ссудаларни ажратишни янада ривожлантиришни таъминлаш;

— уй-жойларнинг ижтимоий мақбуллигини таъминлаш мақсадида, ижтимоий турар жой фондини шакллантиришга йўналтириладиган давлат мулкини хусусийлаштиришдан олинадиган маблағларнинг бир қисмидан самарали фойдаланиш механизмларини янада такомиллаштиришни таъминлаш;

— тармоқ муҳандислик инфратузилмаси билан боғлиқ бўлмаган коммунал хизматлар кўрсатишнинг арзон автоном (локал) шаклларини ривожлантириш орқали аҳолига кўрсатиладиган хизматлар нархини мақбуллаштиришга эришиш.

Иқтисодий сиёсатдаги асосий устуворлигимиз бу — давлатимизнинг молиявий ва иқтисодий қудратини оширишни кучли ижтимоий сиёсатга уйғунлаштириш орқали аҳолининг, аввалambор, қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари турмуш даражасини янада ошириш механизмига йўналтиришдан иборатдир. Шу боис иқтисодий соҳада қуйидагилар таклиф этилмоқда:

— тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва малакали мутахассислар учун иш ўринларини ташкил этиш орқали замонавий техника ва технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

— тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги иштирокини янада кенгайтириш, хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш тизимини соддалаштириш, макроиқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, минимал даражада фоиз ставкаларини белгилаш, муаммоли қарзлар юзага келишига йўл қўймаслик ва банк хизматлари сифатини яхшилаш орқали уларнинг инвестицион фаоллигини кучайтириш;

— бюджет маблағларининг, айниқса, ижтимоий соҳага йўналтириладиган маблағлар мақсадли равишда сарфланиши устидан қатъий назоратни кучайтириш, турли маҳсулот етказувчиларга ўзаро эркин рақобатлашишига имкон берадиган очиқ ва ошкора электрон савдолар имкониятларини кенгайтириш орқали давлат харидларини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш.

Аҳолига юқори сифатли ва мақбул тиббий ёрдамдан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш масаласи ҳам бизнинг диққат марказимиздадир. Мазкур соҳада, жумладан, қуйидагилар таклиф этилмоқда:

— аҳоли, айниқса, олис қишлоқ ҳудудларида бирламчи тиббий ёрдамдан қулай ва тез фойдаланиш имкониятини таъминловчи қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини кенгайтириш бўйича чоралар кўриш;

— имтиёзли ва бепул асосда малакали тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини тартибга солувчи тегишли қонун ҳужжатларининг ижроси устидан тизимли назорат самарадорлигини ошириш.

Демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш асосий вазифа ҳисобланади. Ушбу мақсадда қуйидагилар таклиф этилмоқда:

— қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари, давлат бошқаруви органлари фаолияти натижаларини ошкора ва конструктив муҳокама этишда фуқаролик жамияти институтлари иштироки амалиётини изчил ривожлантиришни таъминлаш;

— замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида аҳолига интерфаол давлат хизматлари ягона порталидан эркин фойдаланишни тақдим этувчи пунктлар тармоғини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

— ижтимоий шериклик институтини янада ривожлантиришни изчил таъминлаш.

Ташқи сиёсат фаолияти масалаларида қуйидагилар таклиф этилмоқда:

— минтақадаги экологик вазиятни яхшилаш, Марказий Осиё трансчегаравий дарёлари сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича мамлакатнинг халқаро ташаббусларини фаол илгари суришни таъминлаш;

— ташқи сиёсат фаолиятининг муҳим вазифаси Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда фаол ва ташаббускор иштирокини таъминлашдир. Шундан келиб чиқиб, Марказий Осиё мамлакатлари, дунёнинг бошқа давлатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар билан терроризм, экстремизм, наркотрафик, одам савдоси ва бошқа таҳдидларга қарши кураш масалалари бўйича ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва кучайтириш зарур.

* * *

Дастурда қайд этилган устувор йўналишларни амалда рўёбга чиқариш мамлакатни ҳар томонлама ижтимоий ривожлантириш, халқ фаровонлигини изчил юксалтириш, демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ҲИМОЯСИ — БОШ МАҚСАДИМИЗ

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон ўзининг кўҳна тарихини, кўп асрлик миллий давлатчилигини тиклади. Мамлакатда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг демократик тизими шакллантирилди ва муваффақиятли ривожланмоқда. «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда. Сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг жамият ва давлат қурилиши жараёнида фаол иштирок этишлари учун қулай ташкилий ҳуқуқий ва бошқа зарур шароитлар барпо этилган.



ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД АКМАЛ САИДОВНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАГИ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР

Мамлакатимизнинг янгиланиш ва ижтимоий тараққиёт йўлида янада олға силжиши учун жамиятда бой маънавий-ахлоқий қадриятлар, юксак ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Яқин келажакдаги бош мақсадимиз, бу — миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, ички ва ташқи сиёсатда миллий манфаатларни ҳимоялаш ва мақсадли илгари суриш, Ўзбекистон халқининг миллий-маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятлари, урф-одатларини сақлаш ва бойитишдир.

Ушбу эзгу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур:

I. Ижтимоий-сиёсий соҳада:

— миллий ғоя, жамиятимизнинг ахлоқий ва маънавий асослари устуворлигини тасдиқлаш. **Бизнинг мақсадимиз — миллий тикланиш орқали замонавий ривожланган демократик давлат сари**;

— миллати, дини, ижтимоий ҳолати ва келиб чиқишидан қатъи назар Ўзбекистон халқи, барча фуқароларнинг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш;

— «маҳалла» миллий демократик институтини янада такомиллаштириш, унинг ташкилий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал этишда ҳамда миллий ва маънавий қадриятлар, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарни қайта тиклаш ва бойитишдаги бевосита иштирокини таъминлашда маҳалла ролини кучайтириш;

— давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий чораларни кўриш, бунинг учун маҳаллий вакиллик органлари ҳузурида жамоатчилик комиссияларини тузиш ҳамда амалиётга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларини изчил ва демократик рағбатлантириш тизимини жорий этиш;

— мамлакатда диний, миллий ва маданий бағрикенглик муҳитини асраб-авайлаш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш.

II. Маънавий-маърифий соҳада ислоҳотларни чуқурлаштиришни ўзимизнинг энг муҳим вазифамиз деб ҳисоблаймиз. Биз ҳар доим миллий ўзликни англашни ошириш, миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғусини мустаҳкамлаш масалаларига устувор аҳамият берганмиз ва берамиз. Шу боис биз қуйидагилар тарафдоримиз:

— ўзбек халқининг тарихий, маданий ва интеллектуал мероси, маданияти ва анъаналарини асраб-авайлаш ва бойитиш, унинг ютуқларини навқирон ва баркамол авлод орасида кенг тарғиб қилиш. **Миллий қадриятларимиз ҳимояси — бош вазифамиз**;

— Ўзбекистон тарихини холисоналик тамойилларига асосланган тарзда ўзлуксиз ва тизимли ўрганиш, бу борада ўзбек халқининг тарихий ўтмиши ва бугунги кунини баҳолашда бирёқлама ёндашувларга, нохолисликка йўл қўймаслик, Ўзбекистон тарихини бузиб, сохталаштириб талқин этилишига қарши курашиш;

— Ўзбекистон маданий ёдгорликлари, шаҳарларининг миллий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, бутун инсониятнинг тарихий-маданий мероси бўлган тарихий объектлар, архитектура ёдгорликларини асраб-авайлаш ва қайта таъмирлаш;

— юксак эстетик қимматга эга бўлган миллий ҳунармандчилик турларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, миллий бадиий мактабларнинг анъаналарини сақлаб қолишни рағбатлантириш;

— ёшлар онгини халқимизга ёт бўлган «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш мақсадида ёшларни миллий тикланиш ғояси, миллий маданият ва қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш.

III. Суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш соҳасидаги устувор вазифалар қуйидагилардан иборат:

— аҳоли ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни таъминлаш. **Юксак ҳуқуқий маданият ва инсон ҳуқуқлари маданияти миллий ҳуқуқий тизим етуклигининг кўрсаткичи ҳисобланади**;

— мамлакатда ҳуқуқий таълим тизимини янада такомиллаштириш, Конституция, инсон ҳуқуқлари ва демократия асосларини ўзлуксиз ўрганиш тизимини ривожлантиришга қаратилган тизимли ва изчил чораларни кўриш;

— жиноий қонунчиликни янада либераллаштириш ва инсонпарварлаштириш, айрим жиноятларни дикриминализациялаш сиёсатини давом эттириш;

— оила, мерос, уй-жой даъвоси ва маиший турмуш манбаида туғиладиган бошқа низоларни судгача ҳал этиш тизимини ривожлантириш, шу жумладан, ҳар қандай низони тинч йўл билан ҳал этишга интилиш ва муроса йўлини излаш, шунингдек, фуқароларнинг серташвиш суд мажлисларига хоҳиш-истагининг йўқлигини инобатга олиб, бу борада маҳалла, васийлик ва ҳомийлик органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини кучайтириш.

IV. Иқтисодиёт соҳасида биз қуйидагилар тарафдоримиз:

— **«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган»** тамғаси остида жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш, хорижий маҳсулотлар ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга аҳд қилган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлаш, жумладан, улар учун солиқ миқдорини камайтириш, божхона имтиёз ва преференциялари, имтиёзли субсидиялар ва бошқа шакллардаги давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини жорий этиш;

— ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга йўналтирилмаган харажатларни қисқартириш, янги, замонавий технологияларни жорий этиш, шунингдек, мамлакатимизнинг турли минтақаларида фаолият юритиб, истиқболли ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналарга солиқ ва мажбурий тўловлар масаласида имтиёзлар бериш йўли билан маҳаллий саноат самарадорлигини янада ошириш;

— миллий бозорни сифати паст, халқаро андозаларга мос келмайдиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)дан муҳофаза этиш, қулай ва жозибадор сармоя муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини кучайтириш;

— халқимизнинг, ёшларнинг бевосита Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий сифатли кийим-кечакка бўлган эҳтиёжини қондириш, енгил ва ихчам тўқимачилик корхоналарининг сонини кўпайтириш, уларга маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлайдиган замонавий технологияларни жорий қилиш.

V. Аҳоли турмуш сифати, даражаси ва фаровонлигини ошириш — ижтимоий соҳадаги бош устуворлигимиз. Шундан келиб чиқиб, устувор вазифаларимиз қуйидагилардан иборат деб ҳисоблаймиз:

— озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни янада кучайтириш, аҳолининг овқатланиш хилма-хиллигини кенгайтириш, мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бунда ғенларни модификация қилиш усулидан фойдаланишни чеклаш, шу билан бирга аҳолининг овқатланиш маданиятини юксалтириш;

— ривожланишнинг устувор соҳаси сифатида уй-жой қурилиши ва инфратузилмани қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга имтиёзли фоизларда узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратган ҳолда улар учун уй-жой қурилиши давлат дастури бажарилишининг бундан кейин ҳам тизимли равишда давом эттирилишига кўмаклашиш;

— маҳалланинг фуқаролар, ўғил-қизлар ва ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, янги иш ўринларини яратиш, ижтимоий соҳадаги ишларнинг самарадорлигини ошириш, жойларда жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни яхшилаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдаги саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш.

VI. Ахборот соҳасидаги долзарб вазифалар қаторида биз глобаллашув жараёнларида халқимиз маданиятининг ўзига хослигини сақлашни таъминлашга қаратилган миллий ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш заруриятига эътибор қаратамиз. Шулардан келиб чиқиб, қуйидагиларни мазкур соҳадаги асосий вазифалар, деб ҳисоблаймиз:

— миллий ахборот тизимлари ва миллий ахборот ресурсларини ривожлантириш, миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини ҳал этиш. **Ривожланган миллий ахборот макони — мустаҳкам тараққиёт пойдеворидир;**

— ёшларнинг камолотига хизмат қиладиган креатив ахборот муҳитини, самарали ахборот-таълим маконини яратиш, болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофаза қилиш;

— ижтимоий онгда миллий ғоя шаклланиши ва ривожланиши жараёнларини ахборот жиҳатдан таъминлаш.

VII. Ташқи сиёсат соҳасида биз Ўзбекистон Республикаси фаол ташқи сиёсатининг асосий мақсад ва вазифаларини бугунги мураккаб шароитда, минтақада хавфсизликка ва барқарорликка таҳдидлар сақланиб қолаётган бир вазиятда амалга оширмоқда, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистоннинг бой тарихий мероси, унинг маънавий-ахлоқий анъаналари ва қадриятлари, жаҳон маданиятига қўшган беқиёс ҳиссаси республиканинг замонавий халқаро муносабатларда, фаол ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолиятда тенг ҳуқуқли субъектга айланишининг асосий ва муҳим воситаси бўлди.

Биз самарали ташқи сиёсатни амалга оширишда қуйидагилар тарафдоримиз:

— ташқи сиёсат ва давлат бошқарувининг бошқа органлари фаолияти доирасида миллий манфаатларни қатъий ҳимоя қилиш. **Миллий манфаатларни ҳимоя қилиш — фаол ташқи сиёсатнинг вазифаси**;

— Ўзбекистон халқининг маданияти ва санъати ютуқларини кенг миқёсда тарғиб этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имижини мустаҳкамлаш;

— инсоният тамаддунининг қадимги трансчегаравий йўналиши бўлган Шарқ ва Ғарбни бирлаштирувчи, иқтисодий, сиёсий ва маданий-инсонпарварлик соҳаларидаги ҳамкорлик алоқаларини институционал мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда муҳим ўрин тутадиган Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш, кучли «Буюк Ипак йўли» брендини илгари суриш.

Бизнинг асосий ғоямиз — Ўзбекистоннинг буюк келажагига бор билим ва малакамиз, интеллектуал салоҳиятимиз ҳамда ижодий куч-қудратимизни бағишлаш орқали Она Ватанимизнинг миллий манфаатлари йўлида фидокорона хизмат қилишдир.

29 март — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЎЗ КУЧИГА, ЭРТАНГИ КУНГА БЎЛГАН ЮКСАК ИШОНЧИ – МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи биз танлаб олган, мамлакатимиз ва жамиятимизни янгилаш ва модернизация қилишнинг «ўзбек модели» деб дунёда тан олинган мустақил, тадрижий тараққиёт йўлимизнинг нақадар тўғри ва самарали эканини ҳар томонлама исботлаб бермоқда.

Бугунги кунда ўзлигини англаб, ўз юрти, ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, эркин ва озод ҳаёт кечириш қандай бахт, қандай катта бойлик эканини чуқур тушуниб олган, мард ва олижаноб халқимизнинг фидокорона меҳнати билан амалга ошираётган оламшумул ишларимиз, мамлакатимиз, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, ҳаётимиз тобора фаровон бўлиб бораётгани барча соҳаларда яққол намоён бўлмоқда.





ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАГИ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР

Биз дуч келган оғир синов ва муаммоларга, жаҳон миқёсида глобал иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамасдан, дунёнинг саноқли давлатлари қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари сўнгги 10 йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келмоқда.

Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти 5 каррадан зиёд, аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 8,7 баробар ўсгани, юртимиз аҳолиси шу даврда 1,5 марта кўпайиб, 2015 йилнинг бошида 31 миллион 500 минг кишини ташкил этганини инобатга оладиган бўлсак, очиғини айтганда, бундай ютуқларни баъзан тасаввур қилишнинг ўзи қийин.

Олдимизда турган энг долзарб ва устувор вазифалар ҳақида гапирганда: **аввало, биз учун 2015 йилда ва ундан кейинги даврда энг устувор вазифа — бу таркибий ўзгаришлар сиёсатини олиб бориш, саноатни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлашдан иборатдир.**

Бу мақсадга эришишда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, иқтисодиётимизнинг реал секторида эскирган асбоб-ускуналар ва технологик қолоқликка барҳам бериш каби принципиал масалаларни ҳал қилиш, шунингдек, ислоҳотларни амалга ошириш, аввало, мулкдорлик масаласида чала-ярим ишларга йўл қўймаслик, иқтисодиётни бошқаришда маъмурий-буйруқбозлик усуллари қолдиқларини бутунлай бартараф этиш фаолиятимизда ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.

Иккинчидан. Мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ўсиши ва истиқболи, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини белгилаб беришга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор вазифа — бу хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожи йўлидаги барча ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш ва бу соҳага тўлиқ эркинлик беришдан иборат.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 56 фоизи шу соҳага тўғри келмоқда, иш билан банд аҳолининг 75 фоизи мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг давоми сифатида бу борада солиқ юкини камайтириш, қўшимча шароит ва кафолатлар яратишга янада катта аҳамият берилади.

Учинчидан. Бугунги кунда иқтисодиётда ҳам, фаолиятимизнинг бошқа соҳаларида ҳам давлатнинг иштирокини танқидий қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда.

Давлатнинг иштироки, аввалambор, электр энергетикаси, транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси сингари давлат иштирокидаги корхоналар иқтисодиётнинг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаётган, табиий монополияларга асосланган соҳаларда сақлаб қолиниши керак. Бошқача айтганда, **давлатнинг иқтисодиётимиздаги улуши иқтисодий ва стратегик асосланган даражага қадар қисқартирилиши ва бу ҳақиқий рақобат муҳитини таъминлаши, маъмурий-буйруқбозлик тизими иллатларидан халос бўлишга олиб келиши лозим.**

Тўртинчидан. Экологик муаммолар чуқурлашиб бораётган, сув ва ер ресурслари чекланган бизнинг шароитимизда ирригация ва мелиорация ишларини давом эттириш, ерларнинг унумдорлигини янада ошириш, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, энг янги агротехнологияларни жорий этиш — айнан шу йўналишлар қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишнинг ҳал қилувчи масалалари бўлиб, улар доимо эътиборимиз марказида бўлади.

Ана шундай долзарб вазифаларнинг барчасини комплекс ҳал этиш учун қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг келгуси 5 йилга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқишга киришдик. Бу дастур аграр тармоқдаги таркибий ўзгаришларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва шунингдек, мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлашни кўзда тутади.

Бешинчидан. Қишлоқ хўжалиги, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бутун мамлакатимиз тараққиётига улкан ҳисса қўшаётган фермерлик ҳаракати янги тарихимизда ўчмас из қолдирмоқда.

Замонавий фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш, қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган, кенг кўламли вазифаларни бажарадиган кўп тармоқли хўжаликларга айлантириш йўлини давом эттирамиз.

Халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш, жумладан, энг муҳим ижтимоий дастурларни амалга ошириш борасида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар ва уларни кучайтириш бўйича олдимизда турган кенг кўламли вазифалар ҳақида барчамиз яхши хабардормиз.

Фақат 2015 йилнинг ўзида 353 та умумтаълим мактабини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, 147 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейда қарийб 400 миллиард сўм ҳажмидаги капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. 2020 йилгача эса 500 та умумтаълим мактабини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, жумладан, 101 та янги мактаб барпо этиш ва 810 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларни капитал таъмирлаш режалаштирилмоқда.

Тиббиёт соҳасида 2015 йилда 98 миллион доллар ҳажмидаги маблағ ҳисобидан 83 та тиббиёт муассасасини, 2020 йилгача эса — 180 миллион доллардан зиёд маблағ эвазига 230 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш назарда тутилмоқда.

Олтинчидан. Маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш дастурини амалга ошириш — энг устувор вазифадир.

Юртимизда биз учун бутунлай янги бўлган автомобиль саноатининг ташкил этилгани импорт ўрнини босиш бўйича олиб борилган оқилона сиёсатнинг ёркин далили ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда 27 русумдаги юк ва енгил автомобиллар, автобуслар, минивэнлар ҳамда 15 турдаги замонавий қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқарилмоқда.

Буларнинг барчаси ҳар йили 4 миллиард доллардан зиёд ҳажмдаги импорт товарлар ўрнини босиш имконини бермоқда.

Еттинчидан. Бугунги кунда тараққиёт, туб таркибий ўзгаришлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатдошлигини таъминлашнинг муҳим шарти инвестиция жараёнлари билан боғлиқ экани ҳаммамизга яхши аён.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тараққиёти учун йўналтирилган инвестициялар ҳажми 190 миллиард доллардан ошди ва бу маблағнинг 65 миллиард доллардан зиёдини хорижий инвестициялар ташкил этди.

Саккизинчидан. Аҳоли бандлигини таъминлаш, биринчи навбатда, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Аввалambор, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик ва хизмат кўрсатиш соҳасини, айниқса, қишлоқ жойларда янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш дастурларини амалга ошириш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини кенгайтириш ҳисобидан кейинги пайтда Ўзбекистонда ҳар йили қарийб 1 миллионта иш ўрни яратилмоқда. Шунинг 60 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилаётгани айниқса аҳамиятлидир.

Тўққизинчидан. Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини янада изчил ошириб бориш масаласи ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги ҳар иккинчи оила юртимизда ишлаб чиқарилган шахсий автомобилга эга. Деярли ҳар бир оилада кундалик заруратга айланган мобиль телефон, ноутбук, сунъий йўлдош орқали кўрсатадиган ва кабелли телевидение, музлатиш камералари ва замонавий ошхона анжомлари каби янги, юқори технологияларга асосланган жиҳозлар мавжуд.

Мамлакатимизда уй-жой билан таъминланиш даражаси, жон бошига ҳисоблаганда, 12,4 квадрат метрдан 15,4 квадрат метрга ошди. Уй-жой фондининг деярли ҳаммаси хусусий мулк шаклига ўтказилди.

Аҳолининг тўлов қобилияти ва истеъмол талабининг ортиб бораётгани иш ҳақи ва пенсияларнинг истеъмол нархлари ўсишига нисбатан жадал ошишини таъминламоқда.

Ўнинчидан. Биз барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз, деб биламиз. Энг муҳими, ҳеч қандай ҳарбий блокка қўшилмаймиз, Ўзбекистон ҳудудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлашувига, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига йўл қўймаслигимиз зарур, деб ҳисоблаймиз.

Жамиятимизда тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат муҳитини янада мустаҳкамлаш бизнинг устувор вазифамиз бўлиб қолади.

«Юксак маънавият — енгилмас куч» деган ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда бой тарихимиз, бебаҳо меросимизни асраб-авайлаш, атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этиш, биз қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни чуқур англаб, аждодларимизнинг шонли анъаналарини давом эттириш, ёшларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялаш барчамиз учун долзарб вазифа бўлиб қолади.

Ишончим комилки, фақатгина халқимизнинг мардлиги ва матонати, жонкуярлиги ва қатъияти, энг муҳими, келажагимизни қуришда ўз кучига, эртанги кунга бўлган юксак ишончи олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Мана шундай олижаноб, бағрикенг халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан, фидойилик билан хизмат қилиш — барчамиз учун энг юксак шараф, олий саодатдир.

АДОЛАТ — ҲАЁТИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз нуфузи юқори даражага кўтарилишига имконият яратган, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришга, ҳуқуқий демократик давлат қуришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Натижада халқимизнинг турмуш даражаси сезиларли даражада ўсди. Давлат ва жамиятнинг барқарор ривожланиши таъминланди, иқтисодиётимиз узлуксиз ривожланиб, мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнлари чуқурлашиб бормоқда.





ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД НАРИМОН УМАРОВНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАГИ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР

Босқичма-босқич амалга оширилаётган бозор ислоҳотлари, кенг кўламли ижтимоий дастурларнинг амалиётга жорий этилиши туфайли мамлакатимизда фуқароларнинг, аввало болалар, аёллар, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши, ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқлари кафолатланиши, аҳолининг фаровонлиги учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Истиқлол йилларида амалга оширилган ислоҳотларни эътироф этиб, юқори баҳолаган ҳолда, биз мамлакатимизнинг янада тараққий этишига ўз ҳиссамизни қўшишга интиламиз ва шу сабабли сайлов кампаниясида ўз Дастуримиз билан иштирок этамиз.

Мазкур дастур ҳамиша социал-демократиянинг асосий қадриятлари ва тамойилларига таяниб келган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг дастурий устувор вазифаларидан келиб чиққан.

Инсон манфаатлари — олий қадрият. Биз асосий вазифамизни **«Инсон — мамлакатнинг асосий бойлиги», «Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони», «Адолат — ҳар бир инсон учун»** тамойилларини кенг кўламда жамиятга жорий этишда кўрамиз.

Мазкур принципларни амалга ошириш, шунингдек, ёшидан, миллатидан, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, келиб чиқишидан қатъи назар барчага тенг имкониятлар тақдим этиш, ижтимоий адолат тамойиллари, фуқаролар ҳуқуқлари, қонуний манфаат ва эркинликларини ҳимоя қилиш биз учун қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим омилидир.

Биз ҳокимият ва жамият ўртасида самарали ҳамкорликни барпо этиш, ҳокимиятнинг барча даражаларидаги бошқарув вакиллари ҳамда фуқаролар ўртасида очиқ мулоқот ва тўғридан-тўғри муносабатларни барпо этиш тарафдоримиз. Аввало бу вакиллик органларига тегишлидир. Зеро айнан улар долзарб муаммоларни очиқ ва ошкора равишда муҳокама қилиш, уларнинг энг мақбул ечимларини ишлаб чиқиб, тавсия этиш майдони бўлиши лозим.

Шу билан бирга биз бундан буён ҳам бошқарувда очиқлик, шаффофлик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим масалаларини очишда қарорларни шакллантириш ва қабул қилиш жараёнида жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларни амалга оширишда жамоат назоратини қўллаш чора-тадбирларини таклиф қиламиз.

Биз **«кучли ва адолатли суд ҳокимияти бўлмаган жойда қонун ва адолат талаблари бузилиши муқаррар»** деб ҳисоблаймиз ва суд ҳокимияти мустақиллигини, обрў-эътиборини янада мустаҳкамлашга интиламиз. Бу мақсад йўлида судларнинг демократлаштирилиши, холислиги, барча фуқароларга баробарлиги, фаолияти очиқлиги, суд жараёни иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилиги, адвокатура институти ҳуқуқ ва ваколатларининг янада кенгайтирилишига эришиш устувор вазифамиз бўлиб қолаверади.

Фақат эркин, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини биладиган, қонун ва амалдаги тартиб-қоидаларни ҳурмат қиладиган фуқаро ўзининг конституцион ҳуқуқларидан тўлалигича фойдаланиши мумкин. Бу борада аҳоли ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқаролик жамияти, давлат ва нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш муҳим вазифалардан саналади.

Иқтисодиётнинг юқори суръатларда ривожланишини таъминлаш. Биз учун аҳолининг турли ижтимоий гуруҳ ва қатламларининг турмуш сифати ва даражасини оширишга хизмат қиладиган иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилиши муҳим аҳамият касб этади.

Биз аҳоли даромадларининг ошиши иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим омилларидан бири, у тўлов қобилиятини кучайтириб, юксак самарали ишлаб чиқаришга рағбатлантиради, бу эса меҳнаткаш ва унинг оиласи муносиб ҳаёт кечиришини таъминлайди, деб ҳисоблаймиз. Инсон капитали мамлакатнинг муҳим миллий бойлигидир ва биз унинг ҳар томонлама кўпайиши ва тараққий этишга йўналтирилган чора-тадбирларини ишлаб чиқамиз ва қўллаб-қувватлаймиз.

Шу мақсадда биз ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган умумдавлат иқтисодий дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, яъни ижтимоий йўналтирилган иқтисодий лойиҳа ва дастурларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши тарафдоримиз.

Биз учун бизнес — жамият учун зарур бўлган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалиётга жорий қилишнинг энг муҳим шаклидир. Шу сабабли биз давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигини кучайтириш, уй-жой-коммунал комплекси ишини янада яхшилаш бўйича таклифлар билан чиқамиз.

Мамлакатимиз келажаги — инновацион иқтисодиётда. Янги технологияга асосланган иқтисодиёт давлатимиз қудратини оширади, ижтимоий соҳанинг тараққий этишига хизмат қилади.

Биз энергия сарфини иқтисод қилишни рағбатлантиришга қаратилган замонавий технологияларнинг кенг миқёсда жорий этилиши учун курашамиз.

Ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий ҳимоя тамойилининг амалда қўлланилиши. Ўзбекистонда «Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун» тамойилига амал қилган ҳолда олиб борилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлаган ҳолда биз аҳоли турмуш сифати кўрсаткичларини янада яхшилаш шарти бўлган давлат ижтимоий дастурларини татбиқ этишни давом эттириш тарафдоримиз. Биз ўзимизни анъанавий социал-демократиянинг ижтимоий адолат тамойили ва кенг кўламли ижтимоий дастурларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган кучли давлат ғоясини қўллаб-қувватлашга қодир куч, деб биламиз.

Биз хотин-қизларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасидаги кенг кўламли ислоҳотларни босқичма-босқич давом эттириш тарафдоримиз. Хотин-қизларни давлат бошқаруви органларининг барча соҳаларига жалб қилиш, демократик-ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуришда иштирок этиш учун хотин-қизларга янада кенг имкониятлар яратилишини таъминлаш биз учун жуда муҳимдир.

Иқтисодиётнинг истиқболдаги талабларидан келиб чиққан ҳолда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини мукаммаллаштириш. Мамлакат ва иқтисодиётнинг асосий рақобатбардошлиги кўрсаткичи унинг кадрларида, инсон салоҳиятида намоён бўлади. Шу муносабат билан биз таълим тизимининг янада ривожлантирилиши тарафдоримиз.

Бу соҳада меҳнат бозори эҳтиёжидан келиб чиқиб мутахассисларни тайёрлашни таъминлаш муҳим вазифа саналади. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси сифатли бепул таълим олиш имкониятига эга ва меҳнатига муносиб ҳақ тўланадиган иш топиши, малакали мутахассис бўлиши, имконияти бўлса — ўзининг ишини яратиши зарур.

Биз бор кучимизни олий ўқув юртларининг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтириб, уларнинг фан, ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга, мамлакат таълим тизимининг мутахассисларни мақсадли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ниятидамиз. Биз фундаментал илм соҳасини қўллаб-қувватлашни кучайтириш, илм-фан ва таълимга сармоялар, шунингдек, янги технологиялар киритиш таклифини берамиз. Бу жараёнда олимларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, уларнинг самарали ижодий фаолиятини яхшилаш муҳим вазифа бўлади.

Фуқаролик жамияти — демократик тараққиётнинг асоси. Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликни таъминлаш вазифаси давлат, ҳокимият, бизнес ва фуқаролик жамияти институтлари — жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, ОАВ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришни талаб этади.

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш, аҳолининг маънавий юксалиши ва моддий фаровонлиги ортиши учун биз ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг, жумладан маҳаллаларнинг тараққий этиши тарафдоримиз. Маҳалла — фуқаролик жамияти томон асосий йўлдир.

Биз давлат ҳокимиятининг қатор ваколатларини ноёб ижтимоий тузилма бўлган маҳаллага ўтказиш тарафдоримиз. Бу маҳалла аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда аниқ манзилга айланишига олиб келади. Биз учун маҳалланинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида иштироки кучайиши муҳим.

Оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги ва эркинлигини янада кучайтириш ҳам бизнинг устувор вазифаларимиздан.

Социал-демократиянинг шиорларидан бири — бирдамликдир. Бизнинг мамлакатимизда асрлардан буён турли миллат ва элатлар ёнма-ён, бир ёқадан бош чиқариб яшаб келган. Бизнинг мақсадимиз — уларнинг ҳилма-хиллигини муштарак ҳолда сақлаш ва ривожлантиришдан иборат. Шу муносабат билан биз бундан кейин ҳам мамлакатимизда миллатлараро ва динлараро муносабатларнинг янада кучайиши ва уйғун ривожланиши тарафдоримиз.

Ташқи сиёсат: миллий манфаатлар устуворлиги. Биз Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб берадиган тинчликсевар ташқи сиёсат тарафдоримиз. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига интеграцияси янада чуқурлашиши, халқаро ташкилотлар фаолиятида иштироки кучайиши долзарб вазифалар бўлиб қолмоқда. Биз бундан кейин ҳам мамлакатимизнинг халқаро майдонда нуфузини янада оширишга, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, гуманитар алоқаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қиламиз.

Биз яқин қўшни давлатлар билан муносабатда минтақамиздаги барча муҳим сиёсий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда, конструктив мулоқот ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида ҳал этиш тарафдоримиз.

Ўлкамизда Наврўз шукуҳи





Ислом Исмоилов ва Муҳаммад Амин олган суратлар

Эрта тонгдан янграган карнай-сурнай наволари шоду ҳуррамлик, меҳр-оқибат, гўзаллик, нафосат, кўнгилларни ўзгача завқ-шавққа бағишлайдиган қутлуғ айём муносабати билан ўтказилаётган маросимга маҳалла ёшу кексаларини чорлади.

ФАЙЗЛИ АЙЁМ НАШИДАСИ

— Маҳалламиз аҳли қалбларни қалбларга дилларни дилларга боғлайдиган Наврўзи оламнинг нурафшон кунларини ўзгача соғинч билан кутиб олади ва уни зўр шодиёна билан нишонлайди, — дейди Учтепа туманидаги «Нишабариқ» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Ҳожиакбар Каримов. — Бу галги баҳор байрамининг нашъу намоси, шукуҳи ўзгача. Ҳар йилги анъанамиз бўйича бу гал ҳам маҳалладошларимизни кўклам таомлари билан меҳмон қилдик. Дошқозонларда тайёрланган ҳалим, кўк сомса, чучвараю ширинликлар барчага манзур бўлди.

Чиндан ҳам маҳаллада бу йилги Наврўз байрамига ўзгача тараддуд билан келинди. Бу ерда бўлиб ўтган умумхалқ хайрия ҳашарида ёшу қари фаол қатнашди, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш бўйича салмоқли ишлар бажарилди.

Маҳаллада истиқомат қиладиган ёши улуғ инсонларга эса алоҳида эҳтиром кўрсатилди. Шу ўринда маҳаллада 5 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётганини, фахрий нуронийлар сони 600 дан зиёд эканлигини алоҳида таъкидлаш керак. Иноят ота Эгамбердиев тўқсон ёшни қаршилаётган 75 нафар қариядан бири, пиру бадавлат нуронийдир. Наврўз байрами куни отахоннинг уйи меҳмонлар билан гавжум бўлди. Иноят ота билан суҳбатлашдик:

— Шундай кунларни етказганига шукроналар айтаман, — дейди Иноят ота Эгамбердиев тўлқинланиб. — Биз, ёши улуғларни ардоқлаб, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатаётган, йилимизни Кексаларни эъзозлаш йили деб номлаган Юртбошимизнинг умрлари узоқ, азиз бошлари омон бўлсин.

Маҳалланинг 80 ёшга тўлган 115 нафар нуронийсидан Эргаш ота Усмонов, Собир ота Маҳкамов, Забихулла ота Даминовлар ҳам қўлларини шундай дуоларга очдилар.

Дарҳақиқат, юртимизда эсган Ҳуррият, Озодлик саболари Наврўздек улуғ байрамимизнинг, азалий миллий қадриятларимизнинг чинакамига қадр топаётганлигини умумхалқ шодиёнаси кенг нишонланаётган ҳар бир гўшада, хусусан биз ҳикоя қилиб ўтган «Нишабариқ» маҳалласи мисолида яққол гувоҳи бўлиб турибмиз...

Хондамир СОЛИҲОВ

Баҳор неъматлари

СУМАЛАК – НАВРЎЗ ТАОМИ

Наврўз байрами билан боғлиқ урф-одат ва анъаналаримиз бисёр бўлиб, сумалак сайли ана шундай қадриятлар сирасига киради. Азал-азалдан анъанавий равишда ўтказиб келинаётган бундай тадбирлар халқ сайилларига, катта байрам шодиёналарига айланиб кетган. Катта дошқозонларда кўпчилик бўлиб сумалак пиширириш жараёнида миллий лапарлар, қўшиқлар ижро этилган. Сумалакни кўпчиликка улашиш эзгу амал ҳисобланган.

Манбаларда қайд этилишича, Наврўз таомларидан бири бўлган сумалак пиширириш билан боғлиқ қадриятларнинг ўз тарихи бор. Аждодларимиз фасллар алмашадиган пайтда инсон вужудида рўй берадиган ўзгаришларга қараб, эрта баҳорда организмнинг дармондориларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қоплайдиган ва кишига саломатлик, куч-қувват бахш этадиган сумалак, ҳалим, кўк сомса каби таомлар пиширган.

Қадимий меросимиз «Авесто» китобининг муаллифи Зардушт Зарафшон бўйларида яшаган. Муқаддас миллий анъаналаримиздан бири Наврўзнинг энг тотли таоми сумалакнинг тарихи ҳам Зардушт билан боғлиқлиги манбаларда қайд этилган. «Дарёнинг энг тиниқ оқаётган жойидан кумуш кўзаларда сув келтириб, кумуш жомларда бугдой ундиради. Ундирилган буғдойни ўғирда туйиб, сувидан янги кун таоми тайёрланади. Сув, ун ва буғдой ширасидан тайёрланган бу тотли таомни Хаома деб атайдилар».

Бугунги кунда сумалак ўзбек халқининг энг севимли баҳорий таомларидан бири саналади. Унинг саломатликка фойдали озиқ эканлиги исботланган. Буюк бобокалонимиз Ибн Сино «Тиб қонунлари»да ушбу кўклам таоми истеъмол қилинганда қувват ошишини қайд этган.

Дарҳақиқат, олимларимиз томонидан сумалак, ҳалим каби таомларнинг таркиби ўрганилганда, уларда инсон ҳаёти учун муҳим бўлган витамин ва минералларнинг кўплиги аниқланган. Айниқса, буғдой майсасида унинг донига нисбатан бир неча баробар кўп дармондори бор экан. Бу витаминлар инсон вужудида модда алмашинуви жараёнини яхшилайди, юракка қувват беради, толиқишнинг олдини олади ва руҳий ҳолатни мўътадиллаштиради.

Бобур ДОНИЁРОВ

ЯНГИ ЎҚУВ БОСҚИЧИ БОШЛАНДИ

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимига етук мутахассисларни тайёрлаб беришда Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ўрни катта. Ташкилот тизимидаги ўқув муассасалари, хусусан, Тошкент бирлашган техника мактабида Ватанимиз мудофааси учун ўсмир ёшлар пухта тайёргарликдан ўтади.

Ташкилотнинг Тошкет шаҳар Кенгаши тасарруфидаги Тошкент бирлашган техника мактабида Қуролли Кучларга мутахассислар тайёрлаш бўйича янги ўқув босқичига қабул қилиш маросими ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкет шаҳар Кенгаши раиси Ғайрат Алиходжаев ва бошқалар мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ҳарбий хизмат ёшларимиз учун шон-шараф ишига айлангани, давлатимиз томонидан Ватанимиз посбонларига яратилаётган шарт-шароитлар, эътибор ва имтиёзлар хусусида сўз юритиб, амалдаги синовлардан муваффақиятли ўтган, ҳар жиҳатдан етук йигитларгина саралаб хизматга жўнатилаётганини таъкидлашди.

Айтиш жоизки, ташкилот тасарруфидаги ўқув спорт-техника клублари қошидаги ҳарбий амалий аҳамиятга эга бўлган секция ва тўгаракларга жалб этилган ўсмир-ёшларнинг бу спорт турларига қизиқишлари уларнинг Ватанимизнинг етук, баркамол ҳимоячилари бўлиб етишишларига имкон яратади.

Чақирилувчилар дастурда кўрсатилган машғулотларда ўз маҳоратларини оширишмоқда. Бу дастурга нафақат ҳайдовчилик малакаси, балки бошланғич ҳарбий таълим, маънавият соатлари ва жисмоний тарбия машғулотлари ҳам киритилган. Мактабда спортнинг техник ва амалий турларидан бўлмиш картинг, ўқ отиш, автомобилда фигурали ҳайдаш, моделчилик секциялари мавжуд ва ушбу спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилади.

— Бугунги кунда ёшларни ҳарбий хизматга чақиришда уларнинг билим даражаси, соғлиғи, жисмоний тайёргарлиги, қўйингки, ҳар томонлама етуклигига алоҳида эътибор қаратилаётир, — дейди Тошкент шаҳар МИБ чақирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўлими бошлиғи, майор Ҳусниддин Тўрабоев. — Мазкур мактабга қабул қилинган ёшлар кўпгина синовлардан ўтган бўлиб, улар бошланғич ҳарбий таълимни шу ерда, ўқиш жараёнида оладилар. Бу эса уларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташида жуда асқотади.

Йиғилганлар янги ўқув босқичига қабул қилинган ёшларга мактабдаги ўқишлари ва Ватанимиз ҳимоясидаги кейинги фаолиятига муваффақиятлар тилашди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 5 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ мамлакатимизда фуқароларга халқаро талабларга тўла мос келадиган янги намунадаги биометрик паспортларни топшириш ишлари изчил амалга оширилмоқда.

КАТТА ҲАЁТГА ИЛК ҚАДАМ

Жумладан, Тошкент шаҳар ИИББ Хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасида бир гуруҳ 16 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига биометрик паспортларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда электрон ахборот манбасига эга биометрик паспортлардан дунёнинг аксарият мамлакатларида фойдаланилмоқда. Улар халқаро фуқаро аэронавигацияси хавфсизлигини таъминлаш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбакилаштирилишига қарши ҳимоя даражасини ошириш, давлат чегарасидан ўтишда шахсни тезкор ва аниқ идентификациялаш механизмларини такомиллаштириш, халқаро авиаташишлар сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида жорий этилаётир.

Биометрик паспортлар унинг эгаси ҳақида шахсий биометрик параметрлар – рақамли фотосурати ҳамда бармоқ излари туширилган биографик маълумотларни ўз ичига олган махсус электрон чип билан таъминланган ҳужжатдир. Ушбу ҳужжат биринчи навбатда шахснинг 16 ёшга тўлиши, паспортининг амал қилиш муддати тугаганлиги муносабати билан, паспорт йўқолганда ёки яроқсиз ҳолга келганда, биографик маълумотлар ўзгарганда ҳамда вояга етмаган фуқаро чет элга чиқаётганда расмийлаштирилади.

«Ўзбекистон Республикасининг паспорти унинг эгасининг фуқаролигини тасдиқлайдиган ва шахсидан гувоҳлик берадиган ҳужжат ҳисобланади. Паспорт Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона қилиб тайёрланади. Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлган ҳар қандай фуқароси паспорт эгаси бўлиши шарт» дейилган қонунда. Шунга кўра бугунги кунда бир қатор ёшларимиз ўзларининг фуқаролик паспортларига эга бўлдилар. Энди улар мустақил шахс сифатида иш юритиши, шартномалар тузиши ва бошқа ҳуқуқий хатти-ҳаракатларни амалга оширишлари мумкин.

Абдували СОДИҚОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2015 йил 14 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Суд қарорларини ижро этиш Департаменти томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 5 март кунги ЖСҲ-1-69/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар тақроран қўйилмоқда:

1. Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 2-туманда жойлашган, ер майдони 0,29 га, қурилиш ости майдони 1081,75 кв.м. бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси. Бошланғич нархи — 1 317 621 690 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор-Мавзук кўчаси, 3-уйда жойлашган, ер майдони 15844 кв.м., фойдали майдони 2892,3 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш ҳудуди. Бошланғич нархи — 2 808 670 000 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 5А-уйда жойлашган, ер майдони 4611 кв.м., фойдали майдони 1782,2 кв.м. бўлган чойхона. Бошланғич нархи — 4 075 660 000 сўм.

4. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Тузель ҚФЙда жойлашган, умумий майдони 6377,43 кв.м., қурилиш ости майдони 1121,4 кв.м. бўлган автосарой бинолари. Бошланғич нархи — 604 310 000 сўм.

5. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Бурчмулло қишлоғида жойлашган, умумий майдони 792 кв.м., қурилиш ости майдони 730,4 кв.м. бўлган дала ҳовли. Бошланғич нархи — 653 690 000 сўм.

6. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 62-уйда жойлашган, умумий майдони 836 кв.м. бўлган маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси. Бошланғич нархи — 1 506 820 000 сўм.

7. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оқ Қовоқ ҚФЙ, Оқ олтин МФЙ жойлашган, умумий майдони 643 кв.м., қурилиш ости майдони 180,92 кв.м. бўлган турар жой. Бошланғич нархи — 107 760 000 сўм.

2015 йил 28 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига, Юнусобод туман СИБ томонидан, 2014 йил 22 декабрь кунги 10-1416/19427-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси ва Чехов кўчаларида жойлашган, умумий майдони 7274 кв.м. бўлган, 1,2,3,4,5,6,9,10,11,12-сонли савдо учун мўлжалланган нотурар жойлар қўйилмоқда. Бошланғич нархи — 6 250 000 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич нархининг 10% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўч., 18-уй. Тел.: (0-371) 250-19-24. *Лицензия: № RR-0017.*

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрида 2015-2016 йилларда иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида 2015 йилнинг 3 апрель куни иссиқ сув бўйича иссиқлик истеъмолчиларини чегараламаган ҳолда, иссиқлик тармоқларининг механик чидамлилиги ва зичлилиги (юқори босим) қуйидаги манзиллар бўйича синовдан ўтказилади:

4-ИМ (М-4,8)

3 апрель босим билан текшириш (опрессовка) — Амир Темур шоҳ кўчаси, Аҳмад Дониш, Янгишаҳар, Деҳқонобод, Соҳибкор, Шаҳристон, Уч Қаҳрамон, Мойқўрғон, Қулоқтепа, Янги Юнусобод, Юнусота, Жумамасжид кўчалари, Юнусобод мавзеси 1÷19 даҳалари.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **26 март** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 4-6 даража илиқ, кундузи — 16-18 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **26 март** куни Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9227
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 355
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13591 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 15.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ